"КЕЛИШИЛГАН"
Янги тиббий техника
қўмитаси раиси в.б.
_____ Д. Пайзиев
2025 йил "21" 02
И ва ЭК №5

ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

"LIFE" эркаклар учун табиий резина латекс презервативлари №2

Жуда юпқа ванил хидли/ Нуқтали ва ковурғали шоколад ҳидли/ Ковурғали банан ҳидли/ Нуқтали қулупнай ҳидли/ Нуқтали жасмин ҳидли.

Махсулот номи: LIFE

Латекс презервативлардан тўғри фойдаланиш ОИТВ (ОИТС) ва бошқа таносил касалликларини, шу жумладан гонорея ва сифилиснинг юқиш хавфини камайтиришга ёрдам беради.
"LIFE" презервативлари — табиий латексдан тайёрланган. Электрон текширувдан ўтган.

Қўллаш усули
1. Ўрамнинг ён томонини эхтиёткорлик билан очинг. Презервативни тирноқларингиз ёки буюмларингиз билан шикастламасликка ишонч хосил килинг.
2. Презервативни эрекция холатидаги жинсий олатнинг бошига жойлаштиринг. Бу хомиладорлик ва жинсий йўл орқали юқадиган инфекцияларидан сақланишга ёрдам беради.
3. Презервативни олатнинг охирига шундай жойлаштирингки, резинали халқа ташқарида бўлсин. Бир қўл билан презервативнинг сўрғичсимон учига босинг ва ичга кириб қолган хавони чиқариб юборинг, бунда сперма учун жой очилади.
4. Бошка қўл билан сўрғичсимон учини ушлаган холда презервативни жинсий олатда бутун узунлиги бўйича очинг.
5. Презервативни силжишини ёки жинсий олатни қаттиқ сиқаётганини сезсангиз тўхтатинг ва текширинг. Бу презервативнинг йиртилишига олиб келиши мумкин. Агар у фойдаланиш пайтида йиртилиб кетса, уни янгисига алмаштиринг.
6. Олат асосига маҳкамланган презервативни эякуляциядан кейин эрекция ҳолатида бўлган олатдан чиқаринг. Презервативни олат қиндан чиқарилганидан кейингина ечиб олиш мумкин. Сперма билай исталмаган алоқа бўлмаслиги учун, олат ва презервативни қинга тегишидан сақланинг.
7. Ишлатилгандап кейин презервативни қоғоз сочиқ билан ўраб, ахлат қутисига ташлаш оркали йўқ қилинг. Презервативни хожатхонага ташламанг.

Эхтиёткорлик чоралари
1. Хар бир жинсий алоқада ёки олат тегиши мумкин бўлган бошқа алоқаларда янги презервативдан фойдаланинг. Қуйидаги ҳолларда презервативдан фойдаланманг: унинг яроқлилик муддати тугаганда, қадоқланиши шикастланганда (бу холат бузилмаган қадокдан презервативни танланг) ёки аниқ нуқсонлари бўлганда.
2. Бир марталик фойдаланиш учун мўлжалланган. Қайта фойдаланиш ўзаро таъсирланиш, йиртилиб кетиш, силжиш ва мустахкамлигини йўқолиши хавфини туғдиради, бу эса

исталмаган хомиладорлик ва жинсий йўл билан юқадиган касалликлар хавфини оширади.
3. Презервативни салқин ва қуруқ жойда сақланг.
4. Фақат сувли асосдаги мойловчи материаллар ишлатинг. Хеч қачон уқаловчи мой, болалар мойи, сариёғ, маргарин ва бошқа шу каби мой асосдаги лубрикантлардан фойдаланманг. Барча мой сақловчи латексли презервативни парчалайди.
5. Агар презерватив ишлатилаётган пайтда йиртилиб қолса ёки унда тешик топилса, тез тиббий ёрдамга мурожаат қилишни маслахат берамиз, аммо 72 соатдан кечиктирилмаган холатда.

Огоҳлантириш
1. Агар ушбу маҳсулот кўрсатмалар бўйича ишлатилса, ва ёрдам кўрсатмаса фойдаланишни тўхтатинг ва шифокорга мурожаат килинг. Муддатидан олдин эякуляция тиббий кузатувни талаб килувчи шароитлар билан боглик бўлиши мумкин.
2. Кўзларга тегишидан сақланинг.
3. Агар сизда ёки шеригингизда ачишиш ёки қичишиш каби тошма ёки таъсирланиш ривожланса, фойдаланишни тўхтатинг. Агар симптомлар ўтиб кетмаса, шифокорга мурожаат қилинг.
4. Ушбу махсулот таркибида аллергик реакцияларни, шу жумладан анафилактик реакцияларни келтириб чиқарадиган табиий латекс мавжуд.
5. Жинсий олат ёки қинга қўлланиладиган баъзи дорилар презервативга таъсир қилиши мумкин, шунинг учун уларни ишлатишдан олдин шифокор ёки фармацевт билан маслахатлашинг.

Қўллаш мумкин бўлмаган холатлар
Ингредиентларга юқори сезувчанлик бўлмаса, бошқа қўллаш мумкин бўлмаган холатлар мавжуд эмас.

Яроқлилик муддати
5 йил.

Сақлаш шароити
25° С дан юкори бўлмаган ҳароратда, қуруқ ва бевосита қуёш нурларидан ҳимояланган жойда сақлансин.


Чиқарилиш шакли
Бирламчи ўрам: хар бир презерватив ламинирланган фольгада қадоқланган.
Иккиламчи ўрам: 2 презервативдан картон қутига жойланган.
Гурухли ўрам: 2 презервативдан 72 иккиламчи ўрам картон қутига жойланган;

Стандартлар рўйхати
Махсулот ИСО 4074 ва ЖССТ спецификацияларига жавоб беради.


Ишлаб чиқарувчи

Universal Prophylactic Pvt. Ltd.
Regd. Office & Factory:
Plot No. K-117, MIDC Waluj, Aurangabad - 431136 Maharashtra, Ҳиндистон.
Tele-fax +91 240-2563256 E-mail universalcondom@gmail.com
E-mail universalprophylactic@gmail.com


Фойдаланиш бўйича йўриқнома.



1. Презервативга зарар бермаслик учун фольга пакетини эхтиёткорлик билан йиртинг.




2. Фольгадан олишда презервативни тирноқлар, такинчоқ ва бошқалар билан шикастлашдан эҳтиёт бўлинг.



3. Презервативнинг учини бош ва кўрсаткич бармоқларингиз билан секин сиқиб, учидан ҳаво чиқаринг ва тик турган жинсий олатни бошига эхтиёт қилиб кийдиринг. Жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва ҳомиладорликнинг олдини олиш учун буни жинсий олатни ва шерикнинг танаси ўртасида ҳар қандай алоқа пайдо бўлишидан олдин амалга оширилиши керак.



4. Презервативнинг учини ушлаб туришни давом этиб, иккинчи қўлингиз билан презервативни тик турган жинсий олатни бутун узунлиги бўйлаб очинг.
5. Тўхтанг ва презервативнинг жинсий олатдан тойиб кетмаслиги ёки қаттиқ тортиб қўйилмаганлигини текширинг, чунки бу унинг ёрилишига олиб келиши мумкин.



6. Эякуляциядан сўнг презервативнинг четини ушлаб туриб ва презерватив сирпаниб кетмаслиги учун жинсий олатни, у хали тик турган ҳолда секин бўшатинг.
7. Презервативни секин силжитиб жинсий олатдан ечиб олинг.
Жинсий алоқа тугагандан сўнг жинсий олатни ёки ишлатилган Презерватив қин ҳудудига тегишига йўл қўймаслик керак.



8. Ишлатилган презервативни ўраб, ёпиқ ахлат қутисига ташланг.

	Қуруқ ва салқин жойда сақланг		Қуёш нурларидан сақланг		гача ишлатинг
LATEX	Таркибида табиий каучукли латекс Мавжуд		Ишлаб чиқарувчи		Фойдаланиш бўйича йўриқнома билан танишинг
	Агар кадок шикастланган бўлса Ишлатманг		Такроран ишлатманг	LOT	Партия рақами
EC REP	Европа ваколатли вакили		Импортер	MD	Тиббий буюми
UDI	Ноёб курилма идентификатори				